

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот технологияси
АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ УЧУН
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги Стандартлаштириш бўйича техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2010 йил 15 октябрдаги 05-228-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

4 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

5 Ушбу стандартда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги 611-II-сон Қонунининг нормалари амалга оширилган

6 Ушбу стандарт ГОСТ 34.602-89 «Информационная технология. Комплекс стандартов на автоматизированные системы. Техническое задание на создание автоматизированной системы» стандартининг талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган

Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан наир этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан наир этиладиган ахборот кўрсаткичда эълон қилинади.

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ ҳуқуқига эга

Мундарижа

1	Қўллаш соҳаси	1
2	Норматив ҳаволалар	1
3	Атамалар ва таърифлар	2
4	Умумий қоидалар	2
5	Таркиби ва мазмуни	3
6	Расмийлаштириш қоидалари	11
7	Ахборот тизими учун техник топшириқни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби	12
A	илова (маълумот учун) Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқнинг умумий тузилмаси	14
B	илова (мажбурий) Ахборот тизимини яратиш бўйича ишларнинг босқичлари ва этаплари рўйхати	16
C	илова (мажбурий) Ахборот тизими учун техник топшириқ лойиҳаси келишилиши керак бўлган ташкилотлар рўйхати	16
D	илова (мажбурий) Титул варағининг шакли	17
E	илова (мажбурий) Охирги варақ шакли	18
	Библиография	19

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ахборот технологияси АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ УЧУН ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Информационная технология ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ НА СОЗДАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ

Information technology TECHNICAL DIRECTIONS FOR DEVELOPING OF INFORMATION SYSTEM

Жорий этиш санаси 2010-11-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт яратиладиган ахборот тизимларига тааллуқли ва «Ахборот тизимини яратиш (ривожлантириш ёки модернизация қилиш) учун техник топшириқ» (бундан кейин – АТ учун ТТ) ҳужжатининг таркиби, мазмуни, расмийлаштириш қоидаларини белгилайди.

Ушбу стандарт билан белгиланадиган талаблар давлат органлари ва корхоналарининг ахборот тизимларини яратишда қўллаш учун мажбурий

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

O‘z DSt 1986:2010 Ахборот технологияси. Ахборот тизимлари. Яратиш босқичлари

O‘z DSt 1985:2010 Ахборот технологияси. Ахборот тизимларини яратишда ҳужжатларнинг турлари, комплектлиги ва белгиланиши

O‘z DSt 1047:2003 Ахборот технологиялари. Атамалар ва таърифлар

O‘z DSt ISO/IEC 12207:2007 Ахборот технологияси. Дастурий воситаларнинг ҳаётий цикл жараёнлари

Изоҳ – Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш зарур. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмашти-

рилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланилади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда О‘з DSt ISO/IEC 12207, О‘з DSt 1047 бўйича атамалар қўлланилади.

4 Умумий қоидалар

4.1 АТ учун ТТ ахборот тизимини яратиш (ривожлантириш ёки модернизация қилиш – бундан кейин яратиш)га қўйиладиган талаблар ва тартибни белгилайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади, ушбу ТТга мувофиқ АТни ишлаб чиқиш ва ишга туширишда уни қабул қилиш ўтказилади.

4.2 АТ учун ТТ мустақил ёки бошқа тизим таркибида ишлаш учун мўлжалланган умуман тизим учун ишлаб чиқилади.

Қўшимча равишда қуйидагилар учун ТТ ишлаб чиқилиши мумкин:

- АТ қисмлари учун;
- ушбу стандарт талабларига мувофиқ ҳолда АТ қуйи тизимлари, АТ вазифалари комплекслари ва ш.к. учун;
- техник таъминотнинг комплектловчи воситалари ва дастурий-техник комплекслар учун;
- дастурий воситалар учун;
- ахборот маҳсулотлари учун.

Изоҳ – АТ учун ТТга ўзаро боғланган объектлар гуруҳига фақат объектлар гуруҳи учун умумий бўлган талаблар киритилиши керак. Алоҳида объектнинг специфик талаблари бу объектнинг АТ учун ТТда акс эттирилиши керак.

4.3 Ушбу стандартда белгиланган ҳажмдаги АТга қўйиладиган талаблар янгидан яратиладиган ахборотлаштириш объектини лойиҳалаш учун топшириққа киритилиши мумкин. Бундай ҳолатда АТ учун ТТ ишлаб чиқилмайди.

4.4 АТ учун ТТга киритиладиган талаблар фан ва техника ривожланишининг ҳозирги замон даражасига мос келиши ҳамда энг яхши замонавий аналогларга тақдим этиладиган шунга ўхшаш талаблардан қолишмаслиги керак.

АТ учун ТТда бериладиган талаблар тизим ишлаб чиқувчисини энг самарали техник, техник-иқтисодий ва бошқа ечимларни қидириш ва амалга оширишда чекламаслиги керак.

АТ учун муайян дастурий ва (ёки) аппарат компонентларидан фойдаланишга нисбатан ТТда бериладиган талаблар кейинги функционал кенгайишда тизимни чекламаслиги керак.

4.5 АТ учун ТТ дастлабки маълумотлар, шу жумладан О‘з DSt 1986га мувофиқ «Объект ва АТни амалга ошириш имкониятларини ўрганиш» босқичининг якуний ҳужжатларидаги маълумотлар асосида ишлаб чиқилади.

4.6 АТ учун ТТга ўзгартиришлар қўшимча ёки буюртмачи ва ишлаб чиқувчи томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади. Қўшимча ёки кўрсатилган баённома АТ учун ТТнинг ажралмас қисми ҳисобланади. АТ учун ТТ титул варағида «...дан амал қилади» ёзуви бўлиши керак.

4.7 Давлат органларининг АТ учун ТТ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ваколатли органнинг ишчи гуруҳига экспертиза учун тақдим этилиши керак [1].

5 Таркиби ва мазмуни

5.1 АТ учун ТТ кичик бўлимларга ажратиш мумкин бўлган қуйидаги бўлимлардан иборат:

- 1) умумий маълумотлар;
 - 2) тизимнинг вазифаси ва яратиш (ривожлантириш) мақсадлари;
 - 3) ахборотлаштириш объектларининг характеристикаси;
 - 4) тизимга қўйиладиган талаблар;
 - 5) тизимни яратиш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмуни;
 - 6) тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби;
 - 7) тизимни ишга туширишда ахборотлаштириш объектини тайёрлаш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар;
 - 8) ҳужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар;
 - 9) ишланма манбалари;
- АТ учун ТТга иловалар киритилиши мумкин.

АТ учун ТТнинг умумий тузилмаси А иловада келтирилган.

5.2 Ахборотлаштириш объектининг тури, вазифаси, специфик хусусиятлари ва тизимнинг ишлаш шартларига боғлиқ ҳолда ТТ бўлимларини иловалар кўринишида расмийлаштиришга, қўшимча бўлимларни киритиш, ТТ кичик бўлимларини олиб ташлаш ёки бирлаштиришга йўл қўйилади.

Ахборот тизимининг қисмлари учун ТТга АТ учун ТТ бўлимларининг бутун мазмунини такрорловчи бўлимлар киритилмайди.

5.3 «Умумий маълумотлар» бўлимида қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши;
- 2) мавзу шифри ёки шартнома шифри (рақами);
- 3) тизимнинг ишлаб чиқувчиси ва буюртмачиси (фойдаланувчиси) корхоналарининг номи ва уларнинг реквизитлари;
- 4) асосида тизим яратиладиган ҳужжатларнинг рўйхати, бу ҳужжатлар ким томонидан ва қачон тасдиқланган;
- 5) тизимни яратиш бўйича ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари;
- 6) ишларнинг манбалари ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

7) тизим (унинг қисмлари)ни яратиш, тизимнинг айрим воситалари (техник, дастурий, ахборот) ва дастурий-техник комплексларини (дастурий-услугий) тайёрлаш ва сошлаш бўйича ишлар натижаларини расмий-

лаштириш ва буюртмачига тақдим этиш тартиби.

5.4 «Тизимнинг вазифаси ва яратиш (ривожлантириш) мақсадлари» бўлими қуйидаги кичик бўлимлардан иборат:

- 1) тизимнинг вазифаси;
- 2) тизимни яратиш мақсадлари.

5.4.1 «Тизимнинг вазифаси» кичик бўлимида автоматлаштириладиган фаолият тури (бошқарув, лойиҳалаштириш ва ш.к.) ва ундан фойдаланиш кўзда тутилган ахборотлаштириш объектлари (объектлар) рўйхати кўрсатилади.

5.4.2 «Тизимни яратиш мақсадлари» кичик бўлимида АТни яратиш натижасида эришилиши керак бўлган техник, технологик, ишлаб чиқариш-иқтисодий ёки ахборотлаштириш объекти бошқа кўрсаткичларининг номлари ҳамда талаб қилинадиган қийматлари келтирилади ва тизимни яратиш мақсадларига эришишни баҳолаш мезонлари кўрсатилади.

5.5 «Ахборотлаштириш объектининг характеристикалари» бўлимида қуйидагилар берилади:

- 1) ахборотлаштириш объекти тўғрисидаги қисқача маълумотлар ёки бундай ахборотга эга бўлган ҳужжатларга ҳаволалар;
- 2) ахборотлаштириш объектидан фойдаланиш шартлари ва атроф-муҳит характеристикалари тўғрисидаги маълумотлар.

5.6 «Тизимга қўйиладиган талаблар» бўлими қуйидаги кичик бўлимлардан иборат:

- 1) умуман тизимга қўйиладиган талаблар;
- 2) тизим томонидан бажариладиган функциялар (вазифалар)га қўйиладиган талаблар;
- 3) таъминот турларига қўйиладиган талаблар.

АТ учун ТТнинг ушбу бўлимига киритиладиган тизимга қўйиладиган талаблар таркиби муайян тизимнинг тури, вазифаси, специфик хусусиятлари ва ишлаш шартларига боғлиқ ҳолда белгиланади. Ҳар бир кичик бўлимда тегишли турдаги тизимларга қўйиладиган талабларни белгилайдиган амалдаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар берилади.

5.6.1 «Умуман тизимга қўйиладиган талаблар» кичик бўлимида қуйидагилар кўрсатилади:

- тизимнинг структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар;
- тизим ходимларининг сони ва малакасига ҳамда унинг ишлаш режимида қўйиладиган талаблар;
- вазифаси кўрсаткичлари;
- ишончилигига қўйиладиган талаблар;
- хавфсизлигига қўйиладиган талаблар;
- эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар;
- мобил АТ учун транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар;
- тизим компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар;

- ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар;
- аварияларда ахборотнинг сақланганлиги бўйича талаблар;
- ташқи таъсирлар таъсиридан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар;
- патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар;
- стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар;
- қўшимча талаблар.

5.6.1.1 Тизимнинг структураси ва ишлашига қўйиладиган талабларда қуйидагилар берилади:

- 1) қуйи тизимлар рўйхати, уларнинг вазифаси ва асосий характеристикалари, иерархия даражаларининг сонига ва тизимни марказлаштириш даражасига қўйиладиган талаблар;
- 2) тизимнинг компонентлари ўртасида ахборот алмашинуви учун алоқа усуллари ва воситаларига қўйиладиган талаблар;
- 3) қўшни тизимлар билан яратиладиган тизимнинг ўзаро алоқаларининг характеристикаларига қўйиладиган талаблар, унинг мослашувчанлигига қўйиладиган талаблар, шу жумладан ахборот алмашиш усуллари (автоматик, ҳужжатларни жўнатиш, телефон орқали ва ш.к.) тўғрисида кўрсатмалар;
- 4) тизимнинг ишлаш режимларига қўйиладиган талаблар;
- 5) тизимни диагностика қилиш бўйича талаблар;
- 6) тизимни ривожлантириш, модернизация қилиш истиқболлари.

5.6.1.2 АТ ходимларининг сони ва малакасига қўйиладиган талабларда қуйидагилар келтирилади:

- 1) АТ ходимлари (фойдаланувчилари) сонига қўйиладиган талаблар;
- 2) ходимларнинг малакаси, уни тайёрлаш ва билимлари ҳамда кўникмаларини назорат қилиш тартибига қўйиладиган талаблар;
- 3) АТ ходимлари ишининг талаб этиладиган режими.

5.6.1.3 АТ вазифасининг кўрсаткичларига қўйиладиган талабларда қуйидагилар келтирилади:

- 1) тизимнинг вазифаси бўйича мувофиқлик даражасини тавсифловчи параметрларнинг қийматлари;
- 2) жараёнлар ва бошқарув методларининг ўзгаришига, бошқарув объекти параметрларининг оғишларига тизимнинг мослашиш даражаси;
- 3) тизимни модернизация қилиш ва ривожлантиришнинг йўл қўйиладиган чегаралари;
- 4) тизимнинг мақсадга кўра вазифаси сақланадиган эҳтимолий-вақтли характеристикалари.

5.6.1.4 Ишончлиликка қўйиладиган талабларга қуйидагилар киради:

- 1) умуман тизим ёки унинг қуйи тизимлари учун ишончлилик кўрсаткичларининг таркиби ва миқдорий қийматлари;
- 2) ишончлиликка қўйиладиган талаблар тартибга солиниши керак бўлган авария вазиятларининг рўйхати ва тегишли кўрсаткичлар қийматлари;

3) техник воситалар ва дастурий таъминотнинг ишончилигига қўйиладиган талаблар;

4) тизимни яратишнинг турли босқичларида амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ишончилик кўрсаткичларини баҳолаш ва назорат қилиш методларига қўйиладиган талаблар.

5.6.1.5 Хавфсизлик бўйича талабларга тизимнинг техник воситаларини монтаж қилиш, созлаш, фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда хавфсизликни таъминлаш бўйича (электр токи, электромагнит майдонлари, афотик шовқинлар ва ш.к.нинг таъсир қилишидан ҳимоя қилиш), ёритилганлик, тебранма ва шовқин юктамаларининг йўл қўйиладиган даражалари бўйича талаблар киради.

5.6.1.6 Эргономика ва техник эстетика бўйича талабларга инсоннинг машина билан ўзаро ишлашининг керакли сифатини ва ходимлар ишлаш шароитларининг қулайлигини берадиган АТ кўрсаткичлари киради (интерфейснинг кириш ва чиқиш шакллари).

5.6.1.7 Мобил АТ учун транспортда ташишга қўйиладиган талабларга тизим техник воситаларининг транспортда ташилишини таъминлайдиган конструктив талаблар, шунингдек транспорт воситаларига қўйиладиган талаблар киради.

5.6.1.8 Фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талабларга қуйидагилар киради:

1) берилган техник кўрсаткичларга эга тизимнинг техник воситалари (ТВ)дан фойдаланишни таъминлаши керак бўлган эксплуатация қилиш шартлари ва регламенти (режими), шу жумладан тизимнинг ТВга хизмат кўрсатиш турлари ва даврийлиги ёки хизмат кўрсатмасдан ишлашга йўл қўйилганлик;

2) ходимлар ва тизимнинг ТВни жойлаштириш учун йўл қўйиладиган майдонларга, энергия таъминоти тармоқларининг параметрлари ва ш.к.га қўйиладиган дастлабки талаблар;

3) хизмат кўрсатадиган ходимларнинг миқдори, малакаси ва унинг ишлаш режимига қўйиладиган талаблар;

4) захирадаги буюмлар ва асбоблар комплектининг таркиби, уларни жойлаштириш ва сақлаш шароитларига қўйиладиган талаблар;

5) хизмат кўрсатиш регламентига қўйиладиган талаблар.

5.6.1.9 Ахборотни рухсатсиз фойдалана олишдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талабларга буюртмачи соҳаси (идораси)да амал қиладиган норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар киритилади.

5.6.1.10 Ахборотни сақлаш бўйича талабларда воқеа-ҳодисалар: авариялар, техник воситаларнинг ишламай қолиши (шу жумладан - таъминотнинг йўқолиши) ва ш.к. рўйхати берилади, бунда тизимдаги ахборотнинг сақланганлиги таъминланиши керак.

5.6.1.11 Ташқи таъсирлардан муҳофаза қилиш воситаларига қўйиладиган талабларда қуйидагилар берилади:

1) АТ воситаларини радиоэлектрон муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар;

2) ташқи таъсирлар (қўллаш муҳити)га нисбатан чидамлилик, барқарорлик ва мустаҳкамлик бўйича талаблар.

5.6.1.12 Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талабларда учинчи шахслар мутлақ ҳуқуқларининг (патентлар, лицензия келишувлари ва бошқа муҳофаза қилиш ҳужжатлари) амалдаги ҳужжатларда бузилишига йўл қўймаслик таъминланиши керак бўлган АТ қисмлари кўрсатилади.

5.6.1.13 Стандартлаштириш ва бир хиллаштиришга қўйиладиган талабларга қуйидагилар киритилади: тизимнинг функциялари (вазифалари)ни амалга оширишнинг стандарт, бир хиллаштирилган методларидан фойдаланиш, етказиб бериладиган дастурий воситалар, намунали математик методлар ва моделлар, намунали лойиҳа қарорлари, бошқарув ҳужжатларининг бир хиллаштирилган шакллари, техник-иқтисодий ахборот таснифлагичлари ва бошқа тоифадаги таснифлагичларнинг уларни қўллаш соҳасига мувофиқ талаб этиладиган даражасини белгиладиган кўрсаткичлар, намунали автоматлаштирилган иш жойлари, компонентлар ва комплекслардан фойдаланишга қўйиладиган талаблар.

5.6.1.14 Қўшимча талабларга қуйидагилар киритилади:

1) ходимларни ўқитиш учун қурилмалар (тренажёрлар, шунга ўхшаш вазифадаги бошқа қурилмалар) ва улар учун ҳужжатлар билан тизимни жиҳозлашга қўйиладиган талаблар;

2) тизим элементларини текшириш учун сервис аппаратураси, стендларга қўйиладиган талаблар;

3) эксплуатация қилишнинг айрим шартлари билан боғлиқ тизимга қўйиладиган талаблар;

4) тизимни ишлаб чиқувчи ёки буюртмачининг кўрсатмаси бўйича махсус талаблар;

5) буюртмачи ёки бошқа ташкилотларнинг фойдаланиладиган тизимлари билан яратиладиган тизимнинг интеграциясига қўйиладиган талаблар.

5.6.2 «Тизим томонидан бажариладиган функциялар (вазифалар)га қўйиладиган талаблар» кичик бўлимида қуйидагилар берилади:

1) ҳар бир қуйи тизим бўйича ахборотлаштирилиши лозим бўлган функциялар, вазифалар ёки улар комплексларининг рўйхати (шу жумладан, тизим қисмларининг ўзаро ишлашини таъминлайдиган). Икки ёки уч навбатдаги тизимни яратишда – биринчи ва кейинги навбатларда амалга киритиладиган функционал қуйи тизимлар, алоҳида функциялар ёки вазифалар рўйхати;

2) ҳар бир функция, вазифа (ёки вазифалар комплекси)ни амалга оширишнинг вақт регламенти;

3) ҳар бир функция (вазифа ёки вазифалар комплекси)ни амалга ошириш сифатига, чиқиш ахбороти, керакли аниқликдаги характеристика ва бажариш вақтини тақдим этиш шаклига қўйиладиган талаблар, функциялар гуруҳини бир вақтда бажарилиши, натижаларни бериш ишончилиги талаблари;

4) ишончилилик бўйича талаблар бериладиган ҳар бир функция учун

рад этишлар рўйхати ва мезонлари;

5) кирувчи ва чиқувчи маълумотларнинг форматига қўйиладиган талаблар.

5.6.3 «Таъминот турларига қўйиладиган талаблар» кичик бўлимида тизим турига боғлиқ ҳолда тизим таъминотининг математик, ахборот, лингвистик, дастурий, техник, метрологик, ташкилий, услубий ва бошқа турларига қўйиладиган талаблар берилади.

5.6.3.1 Тизимнинг математик таъминоти учун тизимда математик методлар ва моделлар, намунали алгоритмлар ва ишлаб чиқиши керак бўлган алгоритмларнинг таркиби, уларни қўллаш (чеклаш) соҳаси ва фойдаланиш усулларига қўйиладиган талаблар берилади.

5.6.3.2 Тизимнинг ахборот таъминоти учун қуйидагиларга қўйиладиган талаблар берилади:

1) тизимдаги маълумотларнинг таркиби, структураси ва ташкил этиш усулларига;

2) тизим компонентлари ўртасида ахборот алмашинувига;

3) ёндош тизимлар билан ахборот мослашувига;

4) буюртмачи корхонасида амал қиладиган рўйхатга олинган республика, тармоқ таснифлагичлари, бир хиллаштирилган ҳужжатлар ва таснифлагичлардан фойдаланиш бўйича;

5) маълумотлар базаларининг бошқарув тизимларини қўллаш бўйича;

6) тизимдаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва маълумотларни тақдим этиш жараёнининг структурасига;

7) тизимнинг электр таъминотидаги аварияларда ва тўхтаб қолишларда маълумотларни бузилишлардан муҳофаза қилишга;

8) маълумотларни назорат қилиш, сақлаш, янгилаш ва тиклашга;

9) фойдаланиладиган норматив ҳужжатларга мувофиқ, АТ техник воситалари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳужжатларга юридик куч бериш процедурасига.

5.6.3.3 Тизимнинг лингвистик таъминоти учун тизимда юқори даражадаги дастурлаш тилларини, фойдаланувчилар ва тизимнинг техник воситаларининг ўзаро ишлаш тилларини қўллашга қўйиладиган талаблар, шунингдек маълумотларни кодлаш ва декодлаш, маълумотларни киритиш-чиқариш тилларига, маълумотлар билан манипуляция қилиш тилларига, предмет соҳаси (ахборотлаштириш объекти)ни тавсифлаш воситаларига, диалогни ташкил этиш усулларига қўйиладиган талаблар берилади.

5.6.3.4 Тизимнинг дастурий таъминоти учун харид қилинадиган дастурий воситалар рўйхати, шунингдек қуйидаги талаблар берилади:

1) дастурий воситаларнинг ҳисоблаш техникаси ва операцион тизимнинг фойдаланиладиган воситаларидан мустақиллигига;

2) дастурий воситаларнинг сифатига, шунингдек уни таъминлаш ва назорат қилиш усулларига.

5.6.3.5 Тизимнинг техник таъминоти учун қуйидаги талаблар берилади:

1) техник воситаларнинг турлари, шу жумладан техник воситалар комплекслари, дастурий-техник комплекслар ва тизимда фойдаланишга йўл қўйиладиган бошқа комплектловчи буюмларнинг турларига;

2) тизимнинг техник таъминоти воситаларининг функционал, конструктив ва эксплуатацион характеристикаларига.

5.6.3.6 Метрологик таъминотга қўйиладиган талабларда қуйидагилар берилади:

1) ўлчаш каналларининг дастлабки рўйхати;

2) параметрларни ўлчаш аниқлиги ва (ёки) ўлчаш каналларининг метрологик характеристикаларига қўйиладиган талаблар;

3) тизим техник воситаларининг метрологик мослашувига қўйиладиган талаблар;

4) аниқлик характеристикаларини баҳолаш зарур бўлган тизимнинг бошқарув ва ҳисоблаш каналларининг рўйхати;

5) тизимнинг ўлчаш каналлари таркибига кирадиган техник ва дастурий воситалар, ичига қурилган назорат қилиш воситаларининг метрологик таъминотига, ўлчаш каналлари ва тизимни созлаш ва синашда фойдаланиладиган ўлчаш воситаларининг метрологик яроқлилигига қўйиладиган талаблар;

б) метрологик шаҳодатлашни бажариш тартиби ва шаҳодатлаш (қиёслаш)ни ўтказадиган ташкилотларни кўрсатган ҳолда, метрологик шаҳодатлаш (қиёслаш) тури (давлат ёки идоравий).

5.6.3.7 Ташкилий таъминот учун қуйидаги талаблар берилади:

1) тизимнинг ишлашида иштирок этадиган ёки эксплуатация қилинишини таъминлайдиган бўлинмаларнинг структураси ва функцияларига;

2) тизимнинг ишлашини ташкил этиш ва АТ ходимларининг ҳамда ахборотлаштириш объекти ходимларининг ўзаро ишлаши тартибига;

3) тизим ходимларининг хато хатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилишга.

5.6.3.8 Услубий таъминот учун тизимнинг норматив ҳужжатларининг таркибига қўйиладиган талаблар берилади (у ишлаганда қўлланиладиган стандартлар, нормативлар, услублар ва ш.к. рўйхати).

5.7 «Тизимни яратиш (ривожлантириш) бўйича ишларнинг таркиби ва мазмуни» бўлими O'z DSt 1986га мувофиқ тизимни яратиш бўйича ишларнинг босқичлари ва этаплари рўйхати, уларни бажариш муддатлари, ишларни бажарувчи ташкилотлар рўйхати, тизимни яратишда иштирок этиш учун бу ташкилотларнинг розилигини тасдиқловчи ҳужжатларга ҳаволалар ёки бу ишларни ўтказиш учун масъул (буюртмачи ёки ишлаб чиқувчи)ни белгилайдиган ёзувдан иборат бўлиши керак. Тизимни яратиш бўйича ишлар босқичлари ва этапларининг рўйхати В иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

Ушбу бўлимда, шунингдек қуйидагилар берилади:

1) ишларнинг тегишли босқичлари ва этаплари тугаганидан кейин тақдим этиладиган O'z DSt 1985 бўйича ҳужжатлар рўйхати;

2) техник хужжатлар экспертизасини ўтказиш тури ва тартиби (текшириладиган хужжатларнинг босқичи, этапи, ҳажми, эксперт-ташкilot);

3) ишлаб чиқилладиган тизим ишончилигининг талаб этиладиган даражасини таъминлашга йўналтирилган ишлар дастури (зарур бўлганда);

4) бажариш муддатлари ва бажарувчи ташкilotларни кўрсатган ҳолда тизимни яратишнинг барча босқичларида метрологик таъминот бўйича ишлар рўйхати (зарур бўлганда).

5.8 «Тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби» бўлимида қуйидагилар кўрсатилади:

1) тизим ва унинг таркибий қисмларини синашнинг турлари, таркиби, ҳажми ва методлари (синовлар турлари ишлаб чиқилладиган тизимга тааллуқли бўлган амалдаги нормаларга мувофиқ);

2) босқичлар бўйича ишларни қабул қилишга қўйилладиган умумий талаблар (иштирок этувчи корхоналар ва ташкilotлар рўйхати, ўтказиш жойи ва муддатлари), қабул қилиш хужжатларини келишиш ва тасдиқлаш тартиби;

3) қабул қилувчи комиссиянинг мақоми (давлат, идоралараро, идоравий).

5.9 «Тизимни ишга туширишга тайёрлаш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмунига қўйилладиган талаблар» бўлимида АТни ишга туширишга тайёрлашда бажарилиши керак бўлган асосий тадбирлар ва уларнинг бажарувчилари рўйхатини бериш керак.

Асосий тадбирлар рўйхатига қуйидагилар киради:

1) тизимга келадиган ахборотни қайта ишлаш учун яроқли бўлган кўринишга келтириш (ахборот ва лингвистик таъминотга қўйилладиган талабларга мувофиқ);

2) ахборотлаштириш объектида амалга ошириш зарур бўлган ўзгартиришлар;

3) ахборотлаштириш объектининг ишлаш шароитларини яратиш, бу шароитда яратилладиган тизимнинг ТТдаги талабларга мувофиқ келиши кафолатланади;

4) тизимнинг ишлаши учун зарур бўлган бўлинмалар ва хизматларни яратиш;

5) штатни комплектлаш ва ходимларни ўқитишнинг муддатлари ва тартиби.

5.10 «Хужжатлаштиришга қўйилладиган талаблар» бўлимида қуйидагилар бериллади:

1) О'z DSt 1985га мувофиқ, ишлаб чиқилиши лозим бўлган, тизимнинг ишлаб чиқувчиси ва буюртмачиси билан келишилган хужжатларнинг комплектлари ва турлари, элтувчиларда чиқарилладиган хужжатлар рўйхати;

2) тармоқлараро қўлландиган комплектловчи элементларни хужжатлаштириш бўйича талаблар;

3) тизимнинг элементларини хужжатлаштиришга қўйиладиган талабларни белгиловчи давлат стандартлари бўлмаганда, қўшимча равишда бундай хужжатларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар киритилади.

5.11 «Ишланма манбалари» бўлимида шуларга асосланган ҳолда ТТ ишлаб чиқилган ва тизимни яратишда фойдаланилиши керак бўлган хужжатлар ва ахборот материаллари (техник-иқтисодий асос, тугалланган илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар, маҳаллий, хорижий тизим-аналоглар учун ахборот материаллари ва б.) санаб ўтилиши керак.

5.12 Тасдиқланган услублар мавжуд бўлганда АТ учун ТТ таркибига қуйидагилардан иборат бўлган иловалар киритилади:

- 1) тизимнинг кутиладиган самарадорлиги ҳисоб-китоби;
- 2) тизимнинг илмий-техник даражасини баҳолаш;
- 3) АТ учун ТТ лойиҳаси келишилган ва С иловага мувофиқ расмийлаштирилган ташкилотлар (корхоналар) рўйхати.

АТ учун ТТ таркибига иловалар тизимнинг ишлаб чиқувчиси ва буюртмачиси ўртасидаги келишув бўйича киритилади.

6 Расмийлаштириш қоидалари

6.1 Умумий талаблар

6.1.1 АТ учун ТТ буюртмачи томонидан фойдаланиладиган норматив хужжатлардаги талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

6.1.2 Кўрсаткичлар, нормалар ва талаблар қийматлари, одатда, чегаравий оғишлар ёки максимал минимал қийматлар билан кўрсатилади. Агар бу кўрсаткичлар, нормалар, талаблар норматив хужжатлар билан бир хил регламентланган бўлса, АТ учун ТТда бу хужжатлар ёки уларнинг бўлимларига ҳаволалар, шунингдек яратиладиган тизимнинг хусусиятларини ҳисобга оладиган қўшимча талаблар берилиши керак. Агар кўрсаткичлар, нормалар ва талабларнинг муайян қийматлари АТ учун ТТни ишлаб чиқиш жараёнида белгиланмаса, унда бу кўрсаткичлар, нормалар ва талабларни белгилаш ва келишиш тартиби тўғрисида ёзиб қўйиш керак:

«Якуний талаб (қиймат) ... жараёнида аниқлаштирилади ва ... босқичида ... билан ... баённомасида келишилади». Бунда АТ учун ТТ матнига ўзгартиришлар киритилмайди.

6.1.3 АТ учун ТТга қўшимча варақларда ўзгартириш учун асос, ўзгартириш мазмуни ва унга кўра бу ўзгартиришлар киритиладиган хужжатларга ҳаволалар жойлаштирилади.

6.1.4 АТ учун ТТ бетларини бутун матн бўйича кетма-кет рақамлашга риоя қилган ҳолда рақамлаш керак. Титул варағи бетларнинг умумий рақамланишига киритилади. Титул варағида бет рақами қўйилмайди. Алоҳида варақларда жойлашган иловалар, расмлар, жадваллар бетларнинг умумий рақамланишига киритилади.

6.1.5 АТ учун ТТни бажариш усулидан қатъи назар, у уни аниқ қабул қилиш ва у бўйича керакли ишларни бажариш талабларига жавоб бериши керак.

6.2 АТ учун ТТнинг тузилиши

6.2.1 АТ учун ТТ бўлимлари ва кичик бўлимлари ушбу стандартнинг 5-бўлимида белгиланган тартибда жойлаштирилиши керак.

6.2.2 АТ учун ТТ матни бўлимлар, кичик бўлимлар ва бандларга ажратилиши керак. Бандлар кичик бандларга эга бўлиши мумкин.

6.2.3 Бўлимлар ва кичик бўлимлар уларнинг мазмунини аниқ ва қисқа акс эттирадиган сарлавҳаларга эга бўлиши керак.

6.3 Титул варағи ва охирги варақ

6.3.1 Титул варағида буюртмачи, ишлаб чиқувчи ва келишувчи ташкилотларнинг герб муҳри билан тасдиқланадиган имзолари жойлаштирилади. Зарур бўлганда титул варағи бир неча бетларда расмийлаштирилади. АТ учун ТТ ишлаб чиқувчилар имзолари охирги варақда жойлаштирилади.

АТ учун ТТ титул варағининг шакли D иловада берилган. АТ учун ТТ охирги варағининг шакли E иловада берилган.

6.3.2 Зарур бўлганда АТ учун ТТ титул варағида соҳада белгиланган кодларни, масалан: махфийлик грифи, ишнинг коди, ТТнинг рўйхатга олинган раками ва б.ни жойлаштиришга йўл қўйилади.

6.3.3 АТ учун ТТга қўшимчанинг титул варағи техник топшириқнинг титул варағига ўхшаш тарзда расмийлаштирилади. «Техник топшириқ» номи ўрнига «...АТ учун ТТга ...-сон қўшимча деб ёзилади.

7 Ахборот тизими учун техник топшириқни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби

7.1 АТ учун ТТ лойиҳасини техник талаблар, ариза ва ш.к.лар асосида буюртмачи иштирокида тизимни ишлаб чиқувчи ташкилот ишлаб чиқади.

7.2 АТ учун ТТ лойиҳасини давлат назорати органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан келишиш зарурлигини тизимнинг буюртмачиси ва АТ учун ТТ ишлаб чиқувчиси биргаликда белгилайдилар.

[1]га мувофиқ, давлат органларининг АТ учун ТТ лойиҳаси Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига экспертиза учун тақдим этилади. Бошқа ҳолатларда экспертиза тизимнинг буюртмачиси ва АТ учун ТТни ишлаб чиқувчи ўртасидаги келишув бўйича ўтказилади.

АТ учун ТТ лойиҳасини келишиш бўйича ишларни АТ учун ТТ ишлаб чиқувчиси ва тизимнинг буюртмачиси биргаликда амалга оширадилар.

7.3 Ҳар бир ташкилотда АТ учун ТТ лойиҳасини келишиш муддати у олинганидан кейин 15 кундан ошмаслиги керак. АТ учун ТТ лойиҳасининг нусхаларини бир вақтнинг ўзида барча манфаатдор ташкилотлар (бўлинмалар)га жўнатиш тавсия этилади.

7.4 АТ учун ТТ лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалар техник асос билан тақдим этилиши керак. Фикр-мулоҳазалар бўйича қарорлар АТ учун ТТ тасдиқлангунга қадар АТ учун ТТ лойиҳасининг ишлаб чиқувчиси ва тизимнинг буюртмачиси томонидан қабул қилиниши керак.

7.5 Агар АТ учун ТТ лойиҳасини келишишда ишлаб чиқувчи ва буюртмачи (ёки бошқа манфаатдор ташкилотлар) ўртасида низолар келиб чиққан бўлса, у ҳолда низолар баённомаси (ихтиёрий шаклда) тузилади ва муайян қарор белгиланган тартибда қабул қилинади.

7.6 АТ учун ТТ лойиҳасини келишишни алоҳида ҳужжат (хат) билан расмийлаштиришга рухсат берилади. Бундай ҳолда «Келишилган» грифи остида бу ҳужжатга ҳавола қилинади.

7.7 АТ учун ТТни тасдиқлашни тизимнинг ишлаб чиқувчиси ва буюртмачиси корхоналари (ташкилотлари)нинг раҳбарлари амалга оширадилар.

7.8 АТ учун ТТ (ТТга қўшимча) келишиш (тасдиқлаш) учун берилгунга қадар АТ учун ТТни ишлаб чиқувчи ташкилотнинг норма назорати хизмати томонидан текширилиши ва, зарур бўлганда, метрологик экспертизадан ўтиши керак.

7.9 АТ учун тасдиқланган ТТ нусхалари тасдиқланганидан кейин 10 кун муддат ичида АТ учун ТТ ишлаб чиқувчиси томонидан тизимни яратиш иштирокчиларига юборилади.

7.10 АТ учун ТТга қўшимчаларни келишиш ва тасдиқлаш АТга ТТ учун белгиланган тартибда ўтказилади.

7.11 Тизим қабул қилиш-топшириш синовларига тақдим этилганидан кейин АТ учун ТТга ўзгартиришларни тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

7.12 АТ учун ТТ ва унга қўшимчаларни рўхатга олиш, ҳисобга олиш ва сақлаш буюртмачида фойдаланиладиган норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилади.

А илова
(маълумот учун)

**Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқнинг умумий тузил-
маси**

- 1 Умумий маълумотлар
 - 1.1 Тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши
 - 1.2 Буюртмачи
 - 1.3 Бажарувчи
 - 1.4 Ишлаб чиқиш учун асос
 - 1.5 Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари
 - 1.6 Молиялаштириш манбалари
 - 1.7 Ишлар натижаларни расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби
- 2 Тизимнинг вазифаси ва яратиш мақсадлари
 - 2.1 Тизимнинг вазифаси
 - 2.2 Тизимни яратиш мақсадлари
- 3 Ахборотлаштириш объектининг характеристикалари
- 4 Тизимга қўйиладиган талаблар
 - 4.1 Умуман тизимга қўйиладиган талаблар
 - 4.1.1 Тизимнинг структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар
 - 4.1.2 Тизим ходимларининг сони ва малакасига ҳамда унинг иш-лаш режимига қўйиладиган талаблар
 - 4.1.3 Вазифаси кўрсаткичлари
 - 4.1.4 Ишончилигига қўйиладиган талаблар
 - 4.1.5 Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар
 - 4.1.6 Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар
 - 4.1.7 Транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар
 - 4.1.8 Тизим компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар
 - 4.1.9 Ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар
 - 4.1.10 Аварияларда ахборотнинг сақланганлиги бўйича талаблар
 - 4.1.11 Ташқи таъсирдан муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар
 - 4.1.12 Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар
 - 4.1.13 Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар
 - 4.1.14 Қўшимча талаблар
 - 4.2 Тизим томонидан бажариладиган функцияларга қўйиладиган та-лаблар
 - 4.3 Таъминот турларига қўйиладиган талаблар
 - 4.3.1 Математик таъминотига қўйиладиган талаблар

- 4.3.2 Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар
 - 4.3.3 Лингвистик таъминотига қўйиладиган талаблар
 - 4.3.4 Дастурий таъминотига қўйиладиган талаблар
 - 4.3.5 Техник таъминотига қўйиладиган талаблар
 - 4.3.6 Метрологик таъминотига қўйиладиган талаблар
 - 4.3.7 Ташкилий таъминотига қўйиладиган талаблар
 - 4.3.8 Услубий таъминотига қўйиладиган талаблар
- 5 Тизимни яратиш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмуни
 - 6 Тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби
 - 7 Тизимни ишга туширишда тайёрлаш бўйича ишларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар
 - 8 Ҳужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар
 - 9 Ишланма манбалари

В илова
(мажбурий)

**Ахборот тизимини яратиш бўйича ишларнинг босқичлари ва
этаплари рўйхати**

Этап рақа ми	Ишларнинг номи ва мазмуни	Бажариш муддатлари		Бажарувчи (ташкilot, корхона)	Этап нима билан тугайди	Ишлар- нинг умумий ҳажмидан бажариш улуши, %
		боши	якуни			

Изоҳлар

1 Агар тегишли қийматларни бир хил аниқлашнинг имкони бўлмаса, «Ишларнинг умумий ҳажмидан бажариш улуши, %» устуни олиб ташланиши мумкин.

2 Буюртмачи ва ишлаб чиқувчининг хоҳишига кўра, қўшимча устунлар қўшилиши мумкин. Масалан, «Изоҳлар» қўшимча устунда қўшимча маълумотлар кўрсатилиши мумкин; бу ишларни ўтказиш учун масъул (буюртмачи ёки ишлаб чиқувчи)ни белгилайдиган ёзувлар.

С илова
(мажбурий)

**Ахборот тизими учун техник топшириқ лойиҳаси келишилиши
керак бўлган ташкilotлар рўйхати**

Корхона номи	Манзил

Д илова
(мажбурий)

Титул варағининг шакли

ТАСДИҚЛАЙМАН

ТАСДИҚЛАЙМАН

Раҳбар (лавозими,
АТга буюртма берган ташкилот номи)

Раҳбар (лавозими,
АТни ишлаб чиқувчи ташкилот номи)

_____ имзо _____ исми, отасининг исми, фамилияси
_____ сана

_____ имзо _____ исми, отасининг исми, фамилияси
_____ сана

_____ НИ
АТ номи

яратиш учун
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

_____ варақда

_____дан амал қилади

КЕЛИШИЛГАН

Раҳбар (лавозими,
корхонанинг номи)

_____ имзо _____ исми, отасининг исми, фамилияси
_____ сана

Е илова
(мажбурий)

Охирги варақ шакли

Масъул бажарувчи
(лавозими)

(имзо, сана)

(исм-шарифи, фамилияси)

Бирга бажарувчи
(лавозими)

(имзо, сана)

(исм-шарифи, фамилияси)

Норма назорати

(имзо, сана)

(исм-шарифи, фамилияси)

Библиография

- [1] Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига 2-сон илова)

Асосий сўзлар: ахборот тизимлари, техник топшириқ, ҳужжатлар.
